## 27 июнь—Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

**Барчамиз учун қадрдон она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улуғ, муқаддас мақсаднинг фидойилари — сизларга тинчлик - омонлик, бахт-саодат ва шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда омад тилайман!**

**Ислом КАРИМОВ.**



# «ОҚШОМ» ШУНДАЙ ТУҒИЛАДИ

*Суратли лавҳа*

Ҳар куни эрталаб ишга отланаётган жуда кўплаб ҳамшаҳарларимиз газета-журнал дўконлари ёнида навбатга туриб, кундалик севимли газеталарини харид қиладилар. Нега масалан, ҳордиқ пайти бўлган тушда эмас, балки эрта тонгда газета дўконлари кишиларни ўзига оҳанрабодек тортади? Сабаби — ҳали «қайноғи ўчмаган» янги газеталар тушгача сотиб тамом бўлади.



Агар эътибор берсангиз, ҳар бир газетанинг «юзи» фақат ўзигагина хос, яъни безалиши мавзулари, «сўзлашув услублари» ва ҳатто сўз бойлиги жиҳатидан ҳам бирбиридан жиддий фарқ қилади. Бу — табиий ҳол. Шунинг учун ўқувчилар кўпинча ўзларига севимли бўлган газетанинг «юзи»ни кўрибоқ, сотиб олишга ҳаракат қилишади. Ҳар кунги одат бўлган ички бир эҳтиёж билан саҳифаларига кўз югуртирадилар. Муштарий қатъий ишонадики, газетанинг бугунги сонида ҳам уни қониқтирувчи «нимадир» бор! Газета ходимларини доимо илҳомлантирувчи нарса — муштарийларнинг худди ўша қатъий ишончи бўлади.



Кўпчилик газета чиқаришни жуда оддий тасаввур қилади — сиз мақолани ёзасиз у, сўнгра шартта босилиб чиқилаверади-да, деб ўйлашади. Аслида шундайми?

Газетанинг «туғилиши» билан боғлиқ жараёнларга қизиққанмисиз? Айтиш керакки, бу анча заҳматли ва мураккаб иш. Қўлингиздаги газета ўнлаб одамлар: мухбирлар, муҳаррир, мусаҳҳиҳлар, масъул котиб, ЭҲМ операторлари, ротация машинаси ишчилари меҳнатининг жамланмасидир. Турли газетабоп «материаллар» жамланиб, маълум тартибда жойлаштирилиб, газета бўлиб қўлингизга бориб теккунига қадар, ҳайратланишга арзигулик узоқ жараёнлардан ўтади. Масалан, сиз «Оқшом» учун ёзган қизиқарли мақолани газетанинг қайси саҳифасида ва қандай кўринишда жойлаштириш мумкин? Икки «устун» бўладими ёки узун бир «устун»га ҳам сиғадими? Сарлавҳасини қаердан қўйган маъқул? Буларнинг бариси — масъул котибнинг вазифаси. Қарабсизки, мақолангиз керакли ўриндан жой олган, кўзга яққол ташланиб турибди, сарлавҳаси ҳам ўзига хос ўлчамда ёзилган. Гўёки, мақоланинг қизиқарлилиги янада ортган!

Шундай қилиб, саҳифаларга материаллар жойлаштирилиб, яъни «макет» қилингач, иккинчи жараён — теришга узатилади. Ҳозир ҳарф теришдан газетани саҳифалашгача бўлган барча жараёнлар компьютерларда амалга оширилади. Яқиндагина бу ишлар қўлда бажарилар, бунинг учун жуда кўп вақт сарфланарди. Кўпинча ҳарф терувчилар ҳам, газеталарнинг навбатчилари ҳам жуда кечгача қолиб кетишларига тўғри келарди. Ҳозир эса, «IBM» «ақлли» машиналари ҳамма юмушларни бир зумда, сифатли адо этмоқда.

— Компьютернинг имкониятлари ниҳоятда кенг, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасининг газета корпуси компьютер цехи ЭҲМ оператори Бахтиёр Қўшоқов. — Ҳарфларнинг катта-кичиклигини ўзгартиришдан тортиб, исталган нақш ёки суратларни чизиш ҳам «қўлидан келади». Ишни тугатиб, дам олмоқчи бўлсангиз ёқимли мусиқалар чалиб, ажиб томошали ўйинлар ҳам кўрсатиши мумкин. Хуллас, ҳақиқий мўъжиза-да, бу компьютер.

Энг асосийси эса, газетани териш ва саҳифалаш учун сарфланадиган вақтнинг анча қисқарганлиги ҳамда матнлар сифатининг ошганлигидир. Донадона қилиб, аниқ-тиниқ терилган сатрларни ўқиш осонлашганлигини кўплаб муштарийлар ҳам эътироф этмоқдалар. «Оқшом» газетаси терилиб саҳифалангач, яна бир карра лочин кўзли мусаҳҳиҳлар ва навбатчилар томонидан синчиклаб ўқиб чиқилади. Шундан сўнг суратларни жойлаштириш, плёнкага олиш, сўнгра махсус тунукага кўчириш, унга кимёвий ишлов бериш... жараёнлари бажарилади. Ниҳоят, ротация машинаси ишга тушиб, қордек оппоқ қоғоз бетига саҳифалар босилади. Иккинчи томондан эса қирқилиб, тахланган қатор газеталар «оқиб» чиқа бошлайди. Буни биринчи марта кўриб, «Э, қойил» демасдан иложингиз йўқ. Шу ишнинг бошида ҳам навбатчи туриб, энг дастлабки «қайноқ» нусхаларни жуда синчиклаб қараб чиқади. Мабодо бирор янглишмовчиликка йўл қўйилган бўлса, ишни дарров тўхтатиб, хатони тузатиш мумкин...

Хуллас, бу — «Тошкент оқшоми»ни, умуман газеталарни чиқариш жараёнлари ҳақидаги кичик шингил ҳикоядир, холос. Бу ерда ҳар куни ана шундай беором, заргарларча аниқ маромдаги меҳнат давом этади...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*СУРАТЛАРДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасининг газета корпусидаги «Оқшом» газеталари тайёрланадиган компьютер цехидан лавҳалар: оператор Рустам Азимов ва Бахтиёр Қўшоқовлар «ақлли» машиналар тилини жуда яхши билишади; газета корпусининг компьютер цехида ҳаёт қайнайди; газета монтаж участкасида — чапда монтажчи Анфиса Рицева ва катта уста Мохуббат Асланов.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Ҳамкасбларимиз*

# ОДАМЛАР ТАШВИШИДА



Одамларга баҳо бериш борасида халқимиздек оқилу доноси бўлмаса керак. Ёлғиз биргина: «Бировнинг ишига ўзининг ишидек жони ачийди, умрида бировга қаттиқ гапирмаган, ҳамманинг ҳожатини чиқаради» деган сўзларнинг ўзиёқ кишининг асл қиёфаси қандай эканини очиб бера олади.

Зуҳра Аъзамхўжаева ана шундай ҳожатбарор, бировнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган аёл, ишчан, ғайратли аёл. Яна бир хусусияти бир ишга киришдими, уни охирига етказмагунча қўймайди.

Кунига «Оқшом» газеталарининг хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг хонаси одамлар билан гавжум бўлади. Бировнинг уйи таъмирсиз, бировнинг телефони йўқ, бировнинг оиласи бузилиб кетиш арафасида, уни сақлаб қолиш керак, биров кексалик нафақасини вақтида ололмайди. Уларнинг барчаси «Оқшом»га нажот истаб келган. Ҳар бирининг гапини сабр-тоқат билан тинглаш, жўяли маслаҳат бериш, зарур бўлса ёрдам қўлини чўзиш керак. Зуҳра опа ана шуларнинг дардларига малҳам бўла олади.

*«Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!*

*Сизга бу хатни ёзишдан мақсад «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг хатлар бўлими мудири Зуҳра Муҳаммаджоновна Аъзамхўжаевага миннатдорчилик изҳор қилишдир... Мен ўз оилам билан яшаб турган ҳовли-жойимиз бузиладиган бўлиб, бизга квартира берилиши керак эди. Мен квартира ўзимиз яшаб турган ердан унга узоқ бўлмасин деб мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишларимга қарамай бизга шаҳарнинг чекка жойидан квартира берилишини айтдилар... Уч йиллик юғур-югурдан кейин охири «Тошкент оқшоми»га мурожаат қилишга мажбур бўлдим... Шундан кейин қисқа вақт ичида ишим ҳал бўлди. Бунда хатлар бўлими мудири Зуҳра Аъзамхўжаева жонкуярлик билан иш кўргани ҳал қилувчи омил бўлди. Зуҳра опага яна бир карра раҳмат.*

*Ҳурмат билан: Х. Асадов, уруш ногирони»*

*«Салом, ҳурматли таҳририят! Ниҳоят, қувонч билан шуни маълум қиламанки, мен ўзим тушиб қолган ёмон даврадан чиқиб олдим. Ҳозир аввалги иш жойимда ишлаяпман.*

*Сизларга яна бир карра раҳмат. Соғ бўлинглар».*

*«Ҳурматли таҳририят!*

*Сизга Зенина хат ёзмоқда.*

*Катта раҳмат сизга, менга жуда кўп ёрдам бердингиз. Телефон номеримни олдим. Яна бир карра раҳмат!»*

Ҳаяжон билан ёзилган мактублар. Хат муаллифлари ўзларининг ташвишларига бефарқ қарамагани учун «Оқшом»га, хатлар бўлими мудири Зуҳра опага миннатдорчилик сўзларини изҳор қилишади.

— Мен аёлман, — дейди Зуҳра опа, — биласиз, аёлларнинг қалби нозик бўлади. Биров оғир аҳволда қолса, ёрдамга мухтож бўлса шундай жоним ачиб кетадики!.. То ўша юмуш битмагунча ҳаловатимни йўқотаман.

Аёл қалби нозик бўлади. Лекин Зуҳра опанинг елиб-югуриши, одамларнинг мушкулини осон қилишдаги юмушларни битказиш учун ҳатто эркакларнинг ҳам қўл силтаган пайтлари бўлган. Зуҳра опадаги қатъият, чидамга ҳаваси келади кишининг.

Йиллар жуда чопқир бўлади. Бугун умрининг олтмишинчи довонида турган Зуҳра Аъзамхўжаева йилларга, йўлларга қараса, улар бежиз, беиз кетмаганига амин бўлади. Кечагина эди сочлари қўнғироқ қизалоқ Бухорои шариф кўчаларидан юриб мактабга боргани. Кечагина эди саккиз йиллик мактабни тугатиб, озиқ-овқат саноати ходимлари курсига киргани, новвойхонада лаборант вазифасида ишлагани. Кечагина эди Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугатиб, «Ўзбекистон овози» (собиқ «Қизил Ўзбекистон») газетасида иш бошлагани... Кечагина эди «Тошкент оқшоми» газетасининг хатлар ва оммавий ишлар бўлимига мудир бўлиб ишга келгани. Кечагина эди... Бугун эса Зуҳра Аъзамхўжаева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Наргиза ва Аброрнинг муҳтарама онаси, Ирода ва Лолахонларнинг суюкли бувиси, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг юраги бўлмиш хатлар бўлимининг мудири, жонкуяр фидойиси.

Таҳририят йилига муштарийлардан минглаб мактублар олади. Уларда одамларнинг изҳори дили битилган, ташвиши, тақдири битилган. Зуҳра опа ана шу дардманд ҳамшаҳарларимизнинг дардларига шерик, малҳам қуювчидир.

Ҳадемай «Оқшом» ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. Зуҳра опа ҳам ўттиз йилдан бери «Оқшом» билан ҳамқадам. Олтмиш йиллик умрининг 30 йили «Оқшом» бағрида кечяпти.

— Энг яхши кунларим, энг яхши хабарларим «Оқшом» билан битилган, — дейди Зуҳра опа, — ундан бир лаҳза айрилишни тасаввур ҳам қилолмайман.

Зуҳра опа, ҳамиша соғ бўлинг, омон бўлинг! Сизнинг тиниб-тинчимайдиган қалбингиз ҳориш билмай, толиш билмай, қариш билмай доимо уриб турсин!

Бу барча ҳамкасбларнинг, муштарийларнинг тилаги.

Темур УБАЙДУЛЛО.

*Муштарийнинг дил сўзлари*

# ҲАММА УЧУН СЕВИМЛИ

**Ҳамид ЗИЁЕВ.**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор:**

— «Оқшом» газетасининг ажралмас ҳамроҳим бўлиб қолганига чорак аср бўляпти. Уни варақлайману кўз ўнгимда она шаҳрим Тошкентнинг жамоли бор бўйи-басти билан намоён бўлади. Унда бунёдкор ҳамшаҳарларимнинг юраги уриб тургандек бўлади.

Ҳар бир муштарийнинг ўзи учун суюкли мавзуси бўлади. Мен газета ўз саҳифаларида изчиллик билан маънавий қадриятларимиз, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини ёритаётганидан бениҳоя мамнунман. Айниқса «Туркистон — умумий уйимиз» «Энг афзали — тотувлик», «Биринчи саҳифадан сўз», «Маърифий суҳбатлар», «Дилкаш суҳбатлар» сингари ўнлаб рукнларда эълон қилинаётган мақолалар, бадиалар барчага баравар манзур бўлишига аминман.

«Оқшом» ҳамиша суюкли бўлиб қолишида унинг заҳматкаш ходимлари, беминнат мухбирларининг хизмати катта бўляпти. Бундан кейин ҳам уларга илҳом, шижоат, таъбир жоиз бўлса, лочиннинг ўткир кўзию булбулнинг ширин тили ҳамкор бўлаверсин.

# ЧИНАКАМ ҲАМРОҲИМИЗ

**Сулаймон ЗАЙНУТДИНОВ,**
**меҳнат фахрийси:**

— Одамнинг ёши бир ерга бориб қолганда ўзига чинакам ҳамроҳ, ўзимизнинг иборада айтсак, «улфат» излаб қолади. Бу борада кўпгина фахрий биродарларимиз қаторида мен ҳам «Оқшом»дан жуда миннатдорман.

«Оқшом» саҳифаларида истаган нарсамизнинг барчасини топамиз. Хусусан «Одобнома», «Сиҳат-саломатлик» саҳифаларини жуда синчиклаб ўқийман. «Одоб — инсон кўрки» дейди халқимиз. Садоқат, ватанпарварлик, ҳурмат-эҳтиром каби инсон улуғ фазилатларни алқаб, ёмонлик, худбинликни қоралаб ёзилган мақолалар айни муддао бўляпти. Саломатликка оид суҳбатларнинг ҳам фойдаси кўп тегяпти.

Газетада ёритилаётган материаллардан қониқиш ҳосил қилган ҳолда дилимдаги бир тилагимни айтиб ўтишни жоиз деб биламан: фахрийлар ҳақида янада кўпроқ материаллар берилса... Табобат соҳасида ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган даволаш усуллари, шифобахш гиёҳлар ҳақида тезтез ёритиб турилса кўнгилдагидек иш бўларди. Қадрдонимиз «Оқшом» ҳар маҳал қадрдонимиз бўлиб қолаверади.

# КЎП НАРСА ЎРГАНАМИЗ

**Нодира ҒУЛОМОВА,**
**болалар санаторийси тарбиячиси:**

— Қачонки «Тошкент оқшоми»ни қўлимга олсам, дилимга бир илиқлик югуради. «Назокат», «Дам олиш оқшомида», «Инсон ва табиат» саҳифаларини интиқлик билан кутаман, ташналик билан ўқийман. «Назокат»даги барча материаллар аёлларимиз, қизларимиз учун жуда фойдали. Айтсам икир-чикир гапдек туюлиши мумкин: шу саҳифада сочни қандай парвариш қилишдан тортиб, келинлик одобигача — ҳамма-ҳаммаси ёритилади. Пазандалар маслаҳати, шифокорнинг ўгитларидан кўпчилик мен каби фойдаланаётганидан шубҳам йўқ.

Одатда бирон-бир касб байрами куни шу соҳа кишилари ҳақида ўйлаб қоламиз. «Оқшом»нинг бунчалар чиройли, ўқимишли чиқишида газетанинг ижодий жамоаси, фидойи мухбирларининг озмунча кўз нури тўкилганми? Бугун уларни байрамлари билан табриклаб: «Қаламингиз ўткир бўлсин, асло-асло ҳориманг» дейман.

Ғолиб МИРЗО ёзиб олди.

*Экран ортидаги захматкашлар*

# ТИНИҚ КЎЗГУ



*СУРАТДА: «Тошкент» студиясининг экран ортидаги заҳматкашлари: (чапдан) бўлим бошлиғи Ренат Акмеев, муҳаррир Мавлуда Тошпўлатова, режиссёр Олим Азизов, режиссёр ассистенти Лола Маҳкамова.*

Ишдан чарчаб келган пайтларда «ойнаи жаҳон» қулоғини бураб қўйиш кўпларимиз учун одат тусига кирган. Айниқса, кундалик ташвишларни бироз бўлса ҳам унутиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришга кўмаклашувчи кўрсатувларни томоша қилишга не етсин!

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон телевидениесида шу тоифа кўрсатувларнинг кўпайиб бораётгани қувонарли албатта. Бу борада айниқса «Тошкент» студиясининг хизматлари сезиларли даражада десак, муболаға бўлмайди. Кўп минг сонли ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг ушбу студия томонидан тайёрланган кўрсатувларни катта қизиқиш билан томоша қилишлари фикримизнинг далили бўла олади.

Студиянинг фаолият кўрсатаётганига беш йил тўлса-да шу қисқа вақт ичида жуда ранг-баранг мавзудаги туркум кўрсатувлар яратилди. Сиёсий, иқтисодий, мусиқий кўрсатувлар, кинодастурлар мунтазам равишда икки тилда—ўзбек ва рус тилларида намойиш этиб борилади. Студия теледастурларининг бу қадар оммавийлашиб бораётганига асосий сабаб унинг шаҳримиз ва Тошкент вилояти ҳаётига оид хабарлар, янгиликлар, ўзгаришлар билан халқимизни ўз вақтида таништириб боришидадир. Шунингдек, вужудга келган муаммолар моҳиятини ўрганиш, уларнинг ечими, бартараф этиш йўлларини томошабинга моҳирона етказиб бериш ҳам студия ижодкорларининг ютуқлари сирасидан. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилган «Шаҳар юмушлари» кўрсатуви кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ҳар ойда корхона, ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимларини студияга таклиф этиб, сермазмун суҳбатлар ташкил қилиниши, томошабинларга телефон орқали ўзларини қизиқтирган савол-масалалар билан мутасадди раҳбарларга мурожаат этиш имконини берди. Жойларда вужудга келган муаммоларни бартараф қилишда «Тошкент» студиясининг салмоқли ҳиссаси бор. Эски шаҳарни ободонлаштириш, шаҳар транспортидаги ўзгаришлар, бозорлардаги нарх-навони мувофиқлаштириш каби долзарб мавзулар асосида тайёрланган кўрсатувлардан аксарият ҳамшаҳарларимиз мамнун бўлишди. Шаҳримиздаги ўзгаришларни кенгроқ ёритиш мақсадида «Тафсилот» - «Пульс» ахборот дастурининг ташкил этилиши кўпчилигимиз учун айни муддао бўлди.

Айтиш мумкинки, бир йил аввал иқтидорли журналист Омон Бурхоновнинг студияга бош муҳаррир этиб тайинланиши «Тошкент»нинг ижодий ишлари тубдан янгиланишига олиб келди. 30 дан ортиқ қизиқарли кўрсатувлар, янги дастурлар пайдо бўлди. Ёш тадбиркор ишбилармонларга кўмак берувчи «Бизнес академия», «5+1» телетанловидан ташқари «Таҳлил», «Янги иқтисод» кўрсатувлари матбуот нашрларининг таҳлилига оид бўлса, «Жонли тил», «Бу бўстон аро», «Кичик дебют», «Мусиқий меҳмонхона», «Эсдалик учун дастхат», «Оқ соя» каби кўрсатувлар мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат мухлислари учун мўлжалланган. Журналист Шавкат Азизов тайёрлайдиган «Ҳамшаҳарлар», «Менинг маҳаллам» ва бошқа дастурлар анъанавий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарғиб этишдек хайрли мақсадларга йўналтирилган. Студияда Анвар Юсупов, Георгий Ирлин, Мая Саидхоновадек тажрибали ходимлар билан бирга Дилноза Расулова, Абдусаттор Закруллаев, Оқил Тоиров, Олим Азизов каби меҳнатсевар ёшлар ҳам ижод қилишмоқда. Турли кўрсатувлар устида ишлаш жараёнида кичкинтойларимиз учун ҳам қатор махсус кўрсатувлар тайёрланмоқда. «Кўзмунчоқ», «Табассум», «Мульткарусель», «Хайрли тонг», «Эртаклар — сеҳрли олам» каби теледастурлар шулар жумласидандир. Биргина «Табассум» кўрсатувига ҳар куни келаётган хатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу унинг жажжи томошабинлар орасидаги машҳурлигидан далолат беради. «Кинематограф» дастуридаги намойиш этиладиган фильмлар аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган. Кўрсатувлар эфирга тайёрланаётган пайтда телетомошабинларнинг қизиқишлари, ўй-кечинмалари асосий диққат марказда бўлади. Танланган мавзуга моҳирлик билан ижодий ёндошув, давр нафаси ҳар бир кўрсатувда яққол сезилиб туради.

— Телевидение жамият кўзгусидир, — деди биз билан суҳбатда «Тошкент» студияси бош муҳаррири Омон Бурхонов. — Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ўз ёрдамини биздан аямаётир. Юртимизда улкан ўзгаришлар бораётган бир пайтда биз ҳам ишга янгича ёндошмоғимиз даркор. Кўрсатувларимиз диққат марказида оддий инсонлар — меҳнаткаш ҳамшаҳарларимиз бўлишига интиламиз.

Маълум бўлишича, ҳозирда студияга истеъдодли ёш ижодкорлар кенг жалб этилмоқда. Ундан ташқари студия яқин пайтларда жаҳон телевидениесида қўлланилаётган замонавий техника жиҳозлари билан таъминланиши керак экан. Демак, «Тошкент» студияси томонидан тайёрланаётган теледастурлари янада ранг-баранг ва қизиқарли бўлаверади!

Назокат УСМОНОВА.

*Қуйи матбуот саҳифаларида*

# ТЎҚИМАЧИЛАР ҚАДРДОНИ

Матбуот ҳақида гап кетганда аввало мен ўзим учун қадрли бўлиб қолган нашр «Тўқимачилар овози» ҳақида гапиргим келади. Чунки озми-кўпми умрим шу газета бўёқларини ҳидлаб ўтди. Ҳали комбинат фабрикаларида ишлаб юрганимдаёқ унинг саҳифаларида катта-кичик лавҳалар, мақолалар билан иштирок этдим. Орадан саккиз йил ўтиб қаламим қайралгач, мени мухбир сифатида ишга таклиф этишди. Мухбирликнинг аччиқ-чучук сўқмоқларини мен мана шу «Тўқимачилар овози»да татиб кўрдим.

Ўшандан бери шу жамоада ишлайман. Ҳозирда унинг муҳарририман. Хўш, газета иқтисодий бухронларни бошидан қандай кечирмоқда? Ҳали бирор марта, бир ой бўлсада чиқмай қолган кунимиз бўлмади. Чунки газетага корхона маъмуриятидан тортиб касаба уюшмаси фаолларигача қизиқади. Унда чоп этилаётган мақолаларни оддий ишчидан тортиб раҳбариятгача севиб ўқишади. Шунинг учун бўлса керак газетанинг ўз вақтида чиқиши учун ҳаммамиз бирдек жон куйдирамиз.

Газетанинг эски тахламларини кўздан кечирарканзиз ундаги кўпгина ибратомуз мақолаларни, очеркларни ўқиб, журналистлар диди, талабчанлигига таҳсинлар ўқийсиз. Собиқ муҳаррирлар Карима Рўзиева, Наримон Турсунов, Толибжон Нурмуҳамедовлар газетанинг халқчил бўлиши учун тер тўкиб меҳнат қилдилар, турли хил рукнлар ташкил этиб, унинг ўқимишли бўлишини таъминладилар.

Иқтисодиётни яхши билган В. Мадимарова, З. Дўсмуҳамедова, Ф. Ҳусанова, С. Абдиев, У. Эгамовлар бугунги кунда турли нашрларда ишлашмоқда. «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти оғир шароитларга қарамай газетанинг мунтазам чиқишини таъминлаётган экан, бунда жамият раиси Ботир Эргашевнинг хизматлари катта.

Айтиш мумкинки, «Тўқимачилар овози» бир босма табоқда нашр этилаётир. Унинг саҳифаларида бугун 20 дан ортиқ рукн мавжуд бўлиб, улардан энг ўқимишлилари «Иқтисодиёт одимлари», «Адабиёт саҳифаси», «Тарих ва шахс» кабиларни мисол қилиб олиш мумкин. Газета ҳар ҳафтада салкам уч минг нусхада чоп этилаётир. Мухбирлардан А. Гехтляр, М. Холиёровлар унинг сермазмун бўлишида бутун куч-қувватларини аямаяптилар. Ўзининг 60 йиллик юбилейини муносиб туҳфа билан кутиб олган «Тўқимачилар овози» кўп нусхали газетамиз бугун ҳам комбинат ишчи-хизматчилари учун қадрдон бўлиб қолаётир. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳамкасб дўстларимни касб байрамлари— Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан муборакбод этаман, уларнинг сермашаққат, аммо шарафли ишларида улкан зафарлар тилайман.

Баҳодир ОРИПОВ,
«Тўқимачилар овози» газетасининг муҳаррири.

*Суҳбатдошимиз Тошкент Давлат университетининг педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди, ёш олимлар ва мутахассислар кўрик-танловининг совриндори Қоражон Тошмуродова.*

**— Қоражон опа, сиз ишлаётган педагогика кафедрасида инсон тарбияси, хусусан университет талабаларини тарбиялаш борасида нима ишлар қилиняпти? Ҳозирги замон ёшлар тарбияси нимага асосланиши керак?**

— Авваламбор, педагогика фани бу — инсоншунослик, болашунослик ҳақидаги фандир. Инсон туғилгандан то умри охирига қадар тарбияланиб боради, камол топади. Педагогика фани бўлажак муаллимларга таълим-тарбия санъатининг тарихий жабҳаларида тутган ўрни ва тараққиётининг ривожланиш қонуниятлари, педагогик маъруза тинглайдилар. Педагогик амалиётдан лицейларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида дарс берадилар, тарбиявий тадбирлар ўтказадилар. Шунга қараб биз талабалар билимини синовдан ўтказамиз, баҳолаймиз. Диплом олишда иккинчи мутахассислик, ўқитувчи деган касбни шу синов ва имтиҳон асосида берилади. Мен шуни айтиб ўтмоқчи эдимки, биз педагог олимлар бошқа фан олимлари қаторида маош оламиз, демак, педагогика фани давлатимиз, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бошқа фанлар қаторида баҳоланган ва шу қаторида аҳамият касб этади.

*Олий таълим: янгиланиш сари*

# ИНСОНШУНОСЛИК ҚАНДАЙ ФАН?

ғоялар ҳақида маълумот беради. Кафедрамиз мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Наим Ғайбуллаев бошчилигида педагогика тарихи ва назарияси фанини бойитишга ҳисса қўшадиган муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқ педагогикаси Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг буюк мутафаккирлари, маърифатпарвар шоирлари ва ижодкор ўқитувчиларнинг педагогик асарлари, уларда илгари сурилган ғоялар ва педагогик қарашлар илмий жиҳатдан ўрганилмоқда, мақолалар, китоблар, дарсликлар тайёрланмоқда, чоп этилмоқда. Мана, яқиндагина профессор Наим Ғайбуллаев, Аджи Осмоновларнинг «Келгусида мутахассисларни тайёрлашнинг педагогик услублари» номли илмий асарлар монографияси чоп этилди. Бу китоб асосида университет талабаларига маърузалар ўқилмоқда. Бундан ташқари яқинда университетда илмий-амалий анжуман ҳам бизнинг кафедрамиз томонидан юқори даражада ўтказилди.

**— Педагогика фанининг услубий асослари сизнингча нимада?**

— Педагогика фани инсон тарбияси ҳақидаги фан эканки, унинг услубий асоси маънавий бойликларимиздан бири ҳисобланган Қуръони Карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, юқорида зикр қилинган буюк алломаларимизнинг асарлари ва албатта яқинда чоп этилган «Олий таълим йўналиши» лойиҳасидир. Бу ўринда лойиҳага: «Ёш авлодга поклик, ростгўйлик, жувонмардлик фазилатларини сингдириш лозим», — деган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрни киритиш жоиз деб биламан.

**— Талабаларга университетни битиргач, иккита мутахассислик берилади, масалан, математик — математика ўқитувчиси, физик — физика ўқитувчиси ва ҳоказо...**

— Биласизми, талабаларимиз педагогика фанида

**— Жаҳон педагогикаси ҳақида бирор фикр айта оласизми?**

— Албатта, бугунги кунда бу фаннинг аҳамияти янада ошмоқда. Бунга далил сифатида бир мисол айтай. Яқинда кафедрамиз мудири Туркиянинг Истанбул шаҳрида жаҳон педагог олимлари конгрессида қатнашди. Бу конгресс канцлер К. Аденауер жамғармаси президенти томонидан ташкил этилди. Истанбулда домламиз жаҳон педагоглари билан учрашди, соф турк тилида маъруза қилди, педагогика фанининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари ҳақида чет мамлакат олимларини хабардор қилди, бошқаларнинг тажрибаларини ўрганди, фикр алмашди. Маърузанинг матни Яқин ва Узоқ шарқ, Ғарб мамлакатларига юборилди.

**— Педагогика фанини ривожлантириш борасида таклиф ва мулоҳазаларингиз борми?**

— Албатта бор. Ҳозирги кунда талабаларимизнинг 70 фоизи ўқитувчи бўлиб чиқди. Кўпчилиги педагоглик, муаллимлик касбини давом эттиришади, аспирантурада ўқийди. Фан номзоди, докторлик илмий ишларини ҳимоя қилади. Бизнинг педагогика кафедрамизда 9 та кундузги ва сиртқи бўлим аспирантлари таҳсил олади, илмий тадқиқотчилар ҳам бор. Шу ўтган ўқув йилида беш киши фан номзоди бўлди. 20 дан ортиғига номзодлик ва докторлик диссертациясига кафедрамиз етакчи ташкилот сифатида тақриз берди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, аспирантларимиз, тадқиқотчиларимиз диссертациясини ҳимоя қилишда махсус илмий кенгаш қидириб, уни вақтида ҳимоя қила олишмайди. Шу боисдан университет қошида педагогика тарихи ва назарияси мутахассислиги бўйича махсус илмий кенгаш ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан педагогика фанининг аҳамияти яна ҳам ошарди, унинг ҳажми кенгайиб бошқа фанлар қаторида муносиб жой оларди.

Зарбуви АЛҚАРОВА суҳбатлашди.

*АҚШ долларининг қалбаки нусхалари муомалада юргани тўғрисида рўзномалар аввал ҳам хабар берган эди. Шундай экан, қалбаки пул боис алданиб қолмаслик учун ҳар бир одам нима қилиши лозим? Бу кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг муовини Маҳмуджон АСҚАРОВга бир неча савол билан мурожаат этдик.*

**— Кейинги вақтларда матбуотда қалбаки долларлар ҳақида хабарлар тез-тез учраб турибди. Фуқаролар ва давлат учун бу ҳодисанинг оқибатлари қандай?**

— Қалбаки долларлар тўғрисида деярли ҳамма эшитган. Хўш, қўлига сохта банкнот тушиб қолган одам одатда нима қилади? Уни дарҳол бошқа одамга қарзга беришга, сотишга ёки аввалги эгасига қайтаришга уринади. Бунинг уддасидан чиқа олмаса, садқаи сар, деб шу пулдан воз кечади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий муаммо вужудга келади. Бу қалбаки пулнинг муомалада бўлишига йўл қўймасликдир. Ушбу масала ҳар бир давлат олдида кўндаланг туради.

Ҳукуматлар пул белгиларининг қалбакилаштирилиши хавфига нечоғли жиддий муносабатда бўлиши лозимлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Агар бу иллатнинг кўлами кенгайиб кетса, кишиларнинг ҳақиқий валютага нисбатан ишончига рахна тушади ҳамда фавқулодда шароитларда мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳам таҳдид солиниши мумкин.

Қалбаки пул билетларини тайёрлаш ва муомалага чиқариш барча замонларда ҳам давлатга қарши жиноят деб баҳоланган, бинобарин, унга нисбатан оғир жазо чоралари белгиланган. Қарийб барча мамлакатларнинг пул билетларида «Давлат билетларини қалбакилаштириш қонунга мувофиқ жазоланади» деб ёзиб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Қўлга тушиб қолган сохта купюрани дарҳол сотиб юборишга уринадиган кишилар учун маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасига мувофиқ, миллий ва чет эл валютасидаги сохта банкнотларни тайёрлаш ва сотишда айбли деб топилган шахс 3 йилгача бўлган муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориш ёки мол-мулкини мусодара қилган ҳолда 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

**— Республикамизда энг кўп тарқалган чет эл валютаси АҚШ доллари ҳисобланади. Уни қалбакилаштириш ҳам шу даражада бўлса керак...**

# ЯНА ҚАЛБАКИ ДОЛЛАРЛАР ТЎҒРИСИДА

— АҚШ федерал резерв тизими тасдиқлашича, АҚШнинг ўзидаги сохта банкнотлар ҳажми йилига 25 миллионга яқин АҚШ долларини ташкил этади. Жаҳоннинг бошқа ҳудудларида эса кам деганда муомаладаги ҳар ўнта долларнинг биттаси қалбакидир («Таймс» рўзномасининг хабар қилишича, ҳар тўрт долларидан бири сохта бўлган Россия бу соҳада рекордчи ҳисобланади). Эркин айирбошланадиган бошқа валюталар ҳам қалбакилаштирилади, лекин бу Америка доллари даражасида эмас.

«Бизнес вестник Востока» рўзномасининг шу йил 23-сонида Американинг «Ридерз дайджест» ойномасида эълон қилинган «Долларга қарши фитна» номли мақолага асосланиб хабар берилишича, ҳозирги вақтда умумий суммаси 10 миллиард қийматдаги қалбаки доллар, асосан, юз долларлик банкнотлар муомалада юрибди. «Супербанкнотлар» деб аталувчи бу купюралар кейинги 5 йил мобайнида шу қадар усталик билан тайёрлана бошладики, ҳатто банк ишида тажрибали ҳисобланган мутахассислар ҳам кўпинча уларни ҳақиқийсидан фарқлай олмайди. Бу купюралар жаҳон бозорларида айланиб юради. Шу сабабдан бўлса керак, кўплаб йирик чет эл банклари Америка нақд пулларини кўп миқдорда ва мутлақ очиқ йўл билан етказиб беришдан воз кеча бошладилар. Чет эл банкларида эса америкалик туристларга 100 долларлик банкнотларни алмаштириб беришдан тобора кўпроқ бош тортаяптилар.

АҚШ махфий хизмат ходимлари йирик молиявий фирибгарликларни текшириш билан ҳам шуғулланмоқда, улар қалбаки банкнотларни таҳлил қилиш натижасида жиддий хулосага келдилар. Биринчидан, қалбаки пул ясашнинг 18 мингдан ортиқ ҳар хил турлари маълум. Иккинчидан, сўнгги вақтда бозорда турли қалбаки пуллар юрибдики, уларни махсус дастгоҳсиз аниқлаб бўлмайди. Бундай дастгоҳлардан ҳар бирининг оғирлиги эса 60 тоннага яқин бўлиб, нархи 10 миллион доллар туради.

**— Қалбаки пулни қандай аниқлаш мумкин?**

— Баъзан муайян купюра қалбаки ёки ҳақиқий эканлигини мутахассис экспертларнинг ёрдамисиз аниқлаб бўлмайди. Банк ходимлари ўртасида жуда кенг тарқалган валюта детекторлари эса гоҳо ҳақиқий пул билетларини ҳам «тан олиш»дан бош тортади. Банкнотлар, асосан, улардан фойдаланиш жараёнида бирон-бир ташқи таъсирга учраган (беихтиёр кирга қўшиб ювилган, кислоталар, ишқорлар, олов таъсирига тушган) ҳоллардагина шундай бўлади. Бундай пайтларда пул билетларидан ферромагнит бўёқ кўчиши, ультрабинафша нурлар таъсирида шуълаланиб кўринувчи сурат йўқолиши мумкин.

Бундай ҳолларда банк банкнотларни экспертизага жўнатади. Натижалар олинишига қараб мижозга таҳлил нима бергани тўғрисида хабарнома юборилади. Банкнотлар сохта деб топилганда мижоз банкка квитанцияни қайтариб, ўрнига номинали бўйича ҳақиқий банкнотни олиши ёки мижознинг ихтиёрига кўра банк шу кейинги банкнот билан ҳар қандай операцияни амалга ошириши: алмаштириб бериши, ҳисоб варағига киритиши ва ҳоказо ишларни бажариши мумкин.

Энди сохта пул билетлари ҳақида гаплашамиз. Албатта, қалбакилаштиришлар турлича бўлади. Сохта пул тайёрлаш «санъати»нинг чинакам «ютуқ»лари билан бир қаторда жуда қўпол тарзда ясалган, масалан, нусха кўчириш техникаси ёрдамида тайёрланган пуллар ҳам учрайди. Бундай ҳолда билетлардаги суратлар аниқ кўринмайди, бўёқлар барқарор эмаслиги билиниб туради (агар купюра бармоқлар билан енгил ишқаланса, бўёқ қўлга юқади), ушлаб кўрилганда банкнотлар силлиқлиги сезилади, бўртиб турадиган сурати бўлган ҳақиқий банкнотлардан фарқ қилади.

Рақамларини чизиш ёки елимлаб ёпиштириш йўли билан тайёрланган қалбаки купюралар ҳам учрайди. Бунда, албатта, банкнотнинг сўзлар билан ёзилган номинали рақамлар билан ёзилганига тўғри келмайди. Яъни, қайси Президентнинг сурати қандай қийматдаги купюрада бўлиши лозимлигини билган кишига шундай хилдаги қалбаки долларни фарқлаш жуда осон.

Шу билан бирга, бизнинг илмий-техника асримизда пулни қалбакилаштириш ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. МДҲ мамлакатларига ҳозирги пайтда чет эллардан полиграфия йўли билан тайёрланган ва чинакам долларга жуда ўхшаб кетадиган қалбаки долларлар ҳам кириб келмоқда.

**— Қўлига қалбаки пул тушиб қолган киши нима қилиши керак?**

— Умуман олганда, ҳеч ким, эртами, кечми яширин тарзда сотиб олинадиган пулнинг сохта бўлиб чиқишидан ҳимояланган эмас. Пулнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилмаган кишилар кўпинча бундай пулларни «Норасмий» тарзда текшириб кўришга интилиб, пул айирбошлаш пунктларининг ходимларидан банкнотнинг ҳақиқийлигини текшириб беришни илтимос қиладилар.

Шуни билиш керакки, бундай ҳолларда банк ходимларининг сохта пул билетларини қайтариб беришга ҳаққи йўқ. Бундай ҳолда банк ходимлари алмаштиришга тақдим этилган пул қалбаки, деган хулосага келсалар, ўша заҳотиёқ мижознинг иштирокида Ички ишлар вазирлиги идоралари билан тезда боғланишлари шарт. Бундай ҳолда мижоз пулдан ажралиб қолади, чунки ҳеч ким қалбаки пулни ҳақиқийсига алмаштириб беришга мажбур эмас. Ички ишлар идоралари вакиллари эса мижоз сохта пулларини атайлаб, онгли равишда тарқатаяптими ёки унинг ўзи сохта пул қурбони бўлганми, буни текшириб кўриб аниқлайдилар.

**— Сиз пул алмаштиришни хоҳловчиларга қандай тавсиялар берар эдингиз?**

— Қалбаки пулларни ҳақиқийсидан ажратиш қийинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фуқароларга АҚШ долларларини айирбошлашни фақат банкнотнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган махсус пул алмаштириш пунктларида амалга оширишни маслаҳат беради. Эслатиб ўтаман, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 июндаги қарорига мувофиқ, 1995 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фуқароларига нақд сўмларни пул алмашув пунктлари орқали эркин айирбошланадиган валютага алмаштириб бериш миқдори чекланмайди. Бу эса республика аҳолисига пул алмаштириш пунктлари орқали чет эл валютасини айирбошлаш бўйича операцияларни бемалол амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратади.

«Ўзмарказбанк» матбуот хизмати раҳбари
Й. ТОЖИБОЕВ суҳбатлашди.
(ЎзА).



*Шаҳримизда сўлим-сўлим оромгоҳлар жуда кўп. Куннинг жазирама тиғи олов ёғдирганда хиёбонлардаги, анҳорлар соҳилидаги салқин гўшалар жонимизга ором беради. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бир қарич бўш ер бўлса ҳам дарахт экишган. Бир кун дарахт эккан бир умр олқиш олар деган нақл ҳам эзгуликдан дарак бериб турибди.*

*СУРАТДА: шаҳримиздаги сўлим гўшалардан бирини кўриб турибсиз.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Боғчанинг кенг саҳнли ҳовлиси. Ранг-баранг шарлар, байроқлар ҳилпирайди. Ёзги кийимдаги болакайлар хурсандчилигининг чеки йўқ. Қарсаклар, олқишлар.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлимининг мудири М. Абдалимов микрофонни қўлига олгач, қувноқлар ҳам, тўпланган меҳмонлар ҳам жимиб қолишди:

— Болажонлар, бугун боғчада «Саломатлик куни». 586-боғчада байрам. Сизлар шу байрамнинг иштирокчиларисиз. Сизнинг соғлиғингиз учун биз қўлимиздан келган барча ишни қиламиз, жажжиларим!

Қарсак ва мусиқа. Бу тантанали маросимга ташриф буюрган тумандаги 18 та мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг шодон қийқиригидан меҳмонлар ҳам хурсанд бўлишди. Айниқса, боғча мудираси Дилбар опа Ғуломованинг мамнунлиги ҳамманикидан бошқача.

Ахир, бу тантанани ўтказишга роса бир ой елиб-югуришди. Мақсад — ўзи бошқараётган

*Соғлом авлод учун*

# ҚУВНОҚЛАР ЎЙНАСИН

586-боғчани ўзгаларидан устун қўйиш, қувноқ мусобақаларда биринчи ўрин олишига эришиш эмас, чинакам маънода соғлом авлод учун куюнмоқ, бунинг учун жажжиларнинг бошини бир жойга бириктириш ва жисмоний машқларда уларни синаб кўриш эди.

Спорт байрамининг асосий қисми «Қувноқлар ўйнасин» экан. Ҳовлидаги турли ҳаракатли ўйинларнинг қай бирини томоша қилишни билмасдингиз! Гуруҳларнинг бири сирғанувчи конькилар билан тўсиқлардан айланади. Яна бири ҳовузчага шиддат билан югуради. Думалаб кетаётган елим коптокчани саватга солиш марра ҳисобланади. Ўтиришга мўлжалланган мослама устидан сирғалиб ўтиш чаққонлик, эпчиллик белгиси. 212, 291, 204, 561, 586, 585-болалар боғчаларининг жажжи спортчилари маҳорати, тезкорлигига таҳсин ўқимай илож борми? «Балиқ», «Сув», «Қуёш» қиёфасидаги тарбиячилар ўз болажонлари билан бирга бўлишди, кетларидан эргаштирдилар.

Спортчиларни тақдирлаш лаҳзалари яқин келди. Туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси Л. С. Солойда болажонларга шоколад, тўп, теннис, шашка, машиналар улашди. Меҳмонларга эса гуллар. Байрамда қатнашган боғча мудираларига 500 сўмдан, тарбиячиларга эса 300 сўмдан пул мукофоти бериладиган бўлди. Бу замонага мос чиройли тадбир. Тилагимиз — бошқа боғчаларда ҳам бундай томошалар амалга ошсин. Зеро, спорт болаларга ажойиб эрмак, қолаверса, улар соғлиғининг, тетиклигининг гарови.

Ҳулкар ТУЙМАНОВА.

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1987 йилги қарори билан ҳар йилнинг 26 июнь куни «Гиёвандлик моддаларини истъемол қилиш, тарқатиш ва ноқонуний ишлаб чиқаришга қарши кураш куни» деб эълон қилинган эди. Шу ташкилотнинг кейинги қарори билан 1991-2000 йиллар гиёвандликка қарши курашнинг 10 йиллик декадаси дея эътироф этилди. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош психиатри Фозил Ҳасанов қуйидагиларни гапириб берди:***

— Гиёвандликка қарши кураш куни республикамиз тарихида илк бор эълон қилинди. Бу — юртимиз мустақилликка эришиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси гиёвандлик устидан назорат қилиш давлат комиссияси бугунги кунда салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ушбу комиссияга Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими, Қишлоқ хўжалиги каби вазирликлар жалб қилинган. Республикамиз миқёсида гапирадиган бўлсак, бизда фақат наша ва қора дори истеъмол қилиш ривожланган. Ҳолбуки, Америка қитъаси ва Европа мамлакатларида гиёвандликнинг бир қанча тури тарқалган. Нисбатан олганда бизда аҳвол бир мунча яхши, лекин бу ҳол хотиржамликка асос бўла олмайди. Чунки сўнгги йилларда юртимизга токсикомания деган тури ҳам кириб келди. Бундан ташқари даволашга мўлжалланган айрим дори-дармонлардан гиёвандлик мақсадида фойдаланаётганлар ҳам бор.

**— Тамаки чекиш ҳам гиёвандликка кирадими?**

— Албатта, тиббиёт тилида уни «Кичик гиёвандлик» дейилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, чекиш умумий касалликлар натижасидаги ўлимнинг 70 фоизини ташкил этар экан. Ер юзида унинг оқибатида ҳар йили 12 миллион киши дунёдан кўз юмади. Лекин бугунги кунда дунё афкор оммаси бу фалокатни тўғри тушунмоқда. Ҳозирда ривожланган мамлакатларда тамаки маҳсулоти биздаги каби очиқ савдога чиқарилмайди, фақат махсус дўконларда сотилади. Уларни тарғибот қилиш ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

**— Сўнгги йилларда гиёвандлик аҳоли ўртасида ўтган йиллардагига нисбатан қай даражада?**

— Сўнгги йилларда юртимизда гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш даражаси бирмунча ўсди. Бунинг боиси болаларнинг ҳам тижоратга берилиши, қўлига пул тушиб ўзининг пулдорлигини кўрсатиш учун турли ичкилик ва тамакилар истеъмол қилиши билан боғлиқ. Зеро, гиёвандлик инсоннинг ўсмирлик йилларида бениҳоя хавфли. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бу борада асосий тадбирни тарғибот ишидан бошлаш лозимлигини уқдирмоқда. Шунга кўра бизда ҳар бир поликлиника ўзининг ён-атрофидаги мактабларга бириктириб қўйилган. Вазирлигимиз томонидан ўрта мактабларда ўқиш жараёнида гиёвандликнинг зарари ҳақида болаларга тушунча бериш тавсия этилмоқда.

**— Бизнинг шароитда гиёвандликка қарши курашда қандай усул маъқулроқ?**

— Маълумки, миллий урф-одатларимизга кўра бизда тарбия жараёни, ота-она, маҳалла-кўйдан бошланади. Шунинг учун бу борада маҳалланинг ўрни беқиёсдир. «Ҳар бир болага етти қўшни ота-она» деган ибора ана шу масалада ўринлидир. Афсуски, ҳамма маҳаллаларимизда ҳам болалар тарбияси билан етарли даражада шуғулланилаётир деб бўлмайди. Натижада ўсмирлар орасида гиёвандликка берилиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Чет мамлакатларда ҳам бу борада жамоат ташкилотлари ҳамда диний маҳкамалар хизматидан кенг фойдаланишади. Бу тажрибалардан шундай хулоса қилинадики, гиёвандликка қарши кураш соғлом турмуш тарзини афзал билган ҳар бир юртдошимизнинг масъулиятли бурчидир.

*Бугун гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш, тарқатиш ва ноқонуний ишлаб чиқаришга қарши кураш куни*

# ҲАММАМИЗ МАСЪУЛ БЎЛГАН ИШ

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

*Ҳикмат — бир ҳовуч олтин*

## ОРЗУ — УМИД ҲАҚИДА

• Умид ва орзу аллоҳнинг раҳматидир. Агар умид ва орзу бўлмаганда ҳеч биронта она фарзандига сут бермас эди, боғбон меваларни парвариш қилмас эди.

**(Расули Акрам ҳадисларидан).**

• Ҳамма дард учун дори-дармон бўлур,
Дардларни даволовчи Луқмон бўлур.
Кўнгил орзу дардига бўлса дучор,
Даво — орзу дилга етар он бўлур.

**Юсуф Хос ҲОЖИБ.**

• Умид — уйғоқ кишилар кўрадиган тушдир.

**Афлотун.**

• Ният, умид, истак қалбни маҳкам ушлайдиган халқадир.

**ФУЛЛЕР.**

• Яхши ният — ижод, севги ва узоқ умр етакчисидир.

**БОГОМОЛЕЦ.**

• Ҳаёт битта, орзу-ниятлар бепоёндир.

**(Япон мақоли).**

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Доира ва ноғораларнинг тантанавор, байрамона садолари таралади. Миллий чолғуларимизда «Наврўз уфориси» янграй бошлайди. Куй куйга уланади: дилларга ором бахш этиб «Оромижон», кетидан «Ёввойи чорғоҳ», яна «Отмагай тонг», «Қўштор», «Чертмак»... Ана, ёш ҳофиза ширали овоз билан «Тановар»ни ҳам бошлаб юборди. Юраклар сел бўлиб оқади... Раққосанинг куйга монанд эшилиб-эшилиб рақс тушиши гўзалликка ташна қалбларга нафосат бахш этади...

Ҳали ёш бўлишига қарамай кўпчиликнинг меҳрини қозонишга улгурган бу ижодий жамоанинг номи «Сўғдиёна»дир. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган мунаввар кунларда дунёга келган мазкур ўзбек халқ чолғулари камер оркестри турли ижрочилик шакллари ва жанрларини бирлаштириб ва айни вақтда ўзбек анъанавий ва замонавий ижро маданиятини сақлаган ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган илк ижодий жамоадир.

«Сўғдиёна» Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси профессори вазифасини бажарувчи Анвар Ҳакимович Ливиев ва дирижёрлик кафедрасининг мудираси, доцент Феруза Абдураҳимованинг ташаббуси билан ташкил этилди. Шу ўринда бу ишнинг бошида турган яна бир олийҳиммат инсонни тилга олиш ҳам қарз, ҳам фарз. Негаки, агар у моддий ёрдам қўлини чўзмаганида эҳтимол, «Сўғдиёна» бунчалик муваффақият қозонмас эди. «Ои энд вест холдинг» Ўзбек-Кипр қўшма корхонасининг раҳбари Т. И. Юнусметов оркестр сифатли чолғулар ва хушбичим концерт костюмларига эга бўлишида ёрдамини аямади ва шу кунгача жамоани моддий жиҳатдан таъминлаб келмоқда.

Ижодий жамоа аъзолари — консерватория муаллимлари, битирувчилари ва талабалари — республика ва минтақа миқёсида ўрказилган турли ўзбек халқ чолғулари ижрочилари танловларининг ғолибларидир.

*Ижодий жамоаларда*

# ҚАЛБИНГДАГИ ОЛОВ СЎНМАСИН

Оркестрга «Сўғдиёна» деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Унинг таркибига кирувчи най, сурнай, карнай, қўшнай, қашқар ва афғон рубоблари, уд, дутор, чанг, чангқовуз, доира, ноғора, қайроқ, занг, сафойил, ғижжак каби 22 тадан ортиқ чолғулар Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги бир минг йилликда барпо этилган Суғд давлати аҳолисининг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Оркестрни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзбек халқининг хилма-хил мусиқий чолғуларга бойлиги ва бу чолғуларнинг ижрочилик борасида кенг имкониятларга эгалигини намойиш этиш, мусиқавий ижрочиликдаги азалий анъаналарни давом эттириш, бу билан неча минг йиллик тарихга эга бўлган кўҳна маданиятимиз, унутилаёзган қадриятларимизни тиклашга ҳисса қўшиш, шунингдек, композиторларни миллий чолғулар ва миллий оркестр учун асарлар яратишга жалб этишдан иборат эди.

«Сўғдиёна»нинг репертуари ранг-баранг: ўзбек мумтоз мусиқаси, фольклор, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман композиторлари асарлари, эрон, ҳинд ва тожик халқ мусиқалари, шунингдек И. С. Бах, И. Брамс, Сарасате, Лео, Делиб каби машҳур ғарб композиторларининг дурдона асарлари ўрин олган. Ижодий жамоа пойтахтимиз мусиқий ҳаётида фаол иштирок этади: Ўзбекистон телевидениесида, турли ўқув юртларида, ташкилот ва корхоналар, кўргазмаларда қатор концертлар билан чиқиб мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлиб келмоқда. Шунингдек оркестр, хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар ассоциацияси йўналишлари бўйлаб Покистон, Ҳиндистон, Италия, Малайзия ва бошқа давлатларда концерт дастурлари билан қатнашди.

Ўтган 1994 йил «Сўғдиёна» учун самарали бўлди: июнь ойида Нью-Йоркда даста фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи буклет инглиз тилида нашр қилинди. Сентябрь ойида эса камер оркестр Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрига ишга таклиф қилинди. Эндиликда мамлакатимизнинг бош театри симфоник оркестри билан бир қаторда ўз ўзбек халқ чолғулари профессионал оркестрига ҳам эга. Бу даргоҳда «Сўғдиёна» етакчи опера ижрочилари билан ҳамкорликда янги концерт дастурлари яратиш устида иш олиб бормоқда. Ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида эса ижодий жамоа Санкт-Петербургда концерт сафарида бўлиб қайтди. Яқинда «Сўғдиёна» БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ўз концерт дастурини тақдим этди ва обрўли ташкилотнинг эҳтиромига сазовор бўлди. «Сўғдиёна»нинг концерт томошаларида қатнашган Ғофир Норбоев (най), Султон Қосимов (дутор), Дилшод Муталов (чанг), Зулхорбек Туропов (уд), Назира Турсунова (рубоб-прима), Одил Назаров (қашқар рубоби) каби ёш санъаткорларнинг оркестр жўрлигидаги моҳирона ижросидан баҳраманд бўлган ҳар бир санъат ошиғи бунинг гувоҳи бўлади.

Биз оёққа тургунича қатор қийинчиликларни енгиб, фақат олдинга интилаётган серғайрат бу жамоага катта муваффақиятлар тилаб, «Қалбингдаги олов ҳеч қачон сўнмасин, «Сўғдиёна», деймиз.

Ирода ДАДАЖОНОВА.

